

## **“UZCE Mobile GB” мобил иловасидан фойдаланиш шартлари бўйича**

### **ОММАВИЙ ОФЕРТА**

Ушбу ҳужжат “Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – ЎзРВБ) трейдерларга/фойдаланувчиларга давлат қимматли қоғозларини (кейинги ўринларда – ДҚҚ) сотиб олиш ва/ёки сотиш учун буюртмаларни киритиш ва/ёки РЕПО битимларни тузиш, шунингдек, ДҚҚ бозори бўйича маълумот олишда “UZCE Mobile GB” мобил иловасидан фойдаланиш бўйича расмий таклифи (оммавий оферта) ҳисобланади.

Мазкур оммавий оферта (кейинги ўринларда – Оферта) орқали ЎзРВБ трейдер/фойдаланувчи билан ЎзРВБнинг <https://www.uzgvb.uz> расмий веб-сайтида жойлаштирилган “Ўзбекистон республика биржасида давлат қимматли қоғозлари билан савдоларни ўтказиш қоидалари”, “Ўзбекистон республика валюта биржасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари билан савдоларни ўтказиш қоидалари”, шунингдек, “Ўзбекистон республика валюта биржасида давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларни тузиш ва ижро этиш қоидалари”га мувофиқ ДҚҚнинг биржа савдоларида иштирок этиш ва “UZCE Mobile GB” мобил иловасидан фойдаланган ҳолда маълумот олиш учун шартнома (кейинги ўринларда – Шартнома) тузишни таклиф қилади.

Трейдер/фойдаланувчи томонидан ушбу Офертада назарда тутилган ҳаракатларнинг бажарилиши унинг қуйидаги шартларга розилигини (Оферта акцепти) билдиради. Оферта акцепти қабул қилинган пайтдан бошлаб Шартнома тузилган ҳисобланади.

ЎзРВБнинг ички меъёрий ҳужжатлари ва Шартномада бевосита назарда тутилмаган барча масалаларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қиладилар.

“UZCE Mobile GB” мобил иловасининг ҳуқуқий эгаси ЎзРВБ ҳисобланади.

### **1. ШАРТНОМАДА ФОЙДАЛАНИЛГАН АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР**

**“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти** - олдиндан белгиланган жойда ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида биржа савдоларини ташкил этувчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан тузилган шартнома асосида ваколатланган юридик шахс;

**“UZCE Mobile GB” мобил иловаси** – смартфон, планшет ёки бошқа мобил қурилмалар учун яратилган дастурий таъминот бўлиб, у орқали трейдер ЎзРВБ ва иш жойидан ташқарида масофавий тарзда ЎзРВБ савдо тизимида ДҚҚнинг биржа савдоларида иштирок этади ва/ёки РЕПО битимларини амалга оширади ҳамда ДҚҚни сотиб олиш ва/ёки сотиш ва РЕПО битимларини амалга ошириш мақсадида буюртманомалар киритади.

Ушбу илова трейдер/фойдаланувчи томонидан ДҚҚ бозори бўйича биржа маълумотларини, шу жумладан РЕПО битимлари бўйича котировкалар, биржа янгиликлари ва таҳлилларини қабул қилиш, тренд графиклари ва бошқаларни кўриш имкониятини тақдим этувчи ахборот терминали сифатида ҳам фойдаланилиши мумкин;

**дилер** – биржа савдоларида қатнашиш ҳамда ўз номи ва ўз ҳисобидан, шунингдек инвестор ҳисобидан ва унинг топшириғи бўйича ўз номидан ДҚҚ билан биржа битимларини тузиш орқали ЎзРВБ аъзоси ҳисобланган тижорат банки ёки инвестиция воситачиси фаолиятини белгиланган тартибда амалга ошириш ҳуқуқини олган бошқа юридик шахс;

**трейдер** – дилернинг ваколатли ходими бўлиб, унинг номидан ЎзРВБ савдо тизимида биржа битимларини тузишга ва савдоларда қатнашиш ҳамда биржа маълумотларидан фойдаланиш учун белгиланган тартибда ЎзРВБ савдо тизимига рухсат олган, мазкур Офертани қабул қилиб, ва шу тариқа “UZCE Mobile GB” мобил иловасининг фойдаланувчиси.

**фойдаланувчи** – ДҚҚ бозори бўйича биржа маълумотларини олувчи ҳар қандай манфаатдор шахс, мазкур Оферта акцептловчи ва шу тариқа “UZCE Mobile GB” мобил иловасининг фойдаланувчиси.

## **2. АКЦЕПТЛАШ ТАРТИБИ**

**2.1.** Ушбу Офертани акцептлаш трейдер/фойдаланувчининг ўз мобил қурилмасига (смартфон, планшет ва бошқалар) ўрнатилган “UZCE Mobile GB” мобил иловасида трейдер/фойдаланувчи томонидан мустақил равишда рўйхатдан ўтиш факти ҳисобланади. Илова “PLAY MARKET\_Google” ва “APP Store” манбалари орқали тегишлича Android ва iOS платформаларида мавжуд.

**2.2.** “UZCE Mobile GB” мобил иловасида мустақил равишда рўйхатдан ўтишда трейдер/фойдаланувчи рўйхатдан ўтиш коди кўрсатилган SMS -хабарни олиш учун мобил телефон рақамини кўрсатиши шарт. Кодли SMS-хабар трейдер/фойдаланувчининг мобил телефон рақамига ЎзРВБ томонидан жўнатилади. Рўйхатдан ўтиш учун ушбу кодни махсус ойнага киритиш мажбурийдир.

**2.3.** Ушбу Офертанинг қуйидаги шартларига рози бўлмаган тақдирда, трейдер/фойдаланувчи “UZCE Mobile GB” мобил иловасидан фойдаланмасликка ва ушбу Офертани қабул қилмасликка ҳақлидир.

## **3. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

### **3.1. ЎзРВБ:**

- трейдерга ДҚҚ биржа савдоларида қатнашиш ва/ёки ЎзРВБ савдо тизимида РЕПО битимларини тузишга, онлайн режимда ДҚҚни сотиб олиш ва/ёки сотиш, ва/ёки РЕПО операцияларини амалга ошириш бўйича буюртмаларни киритиш, ДҚҚ бозорига оид биржа маълумотларини олиш, шунингдек, “PLAY MARKET\_Google” ва “APP Store”да жойлаштирилган “UZCE Mobile GB” мобил иловаси имкониятларидан келиб чиқиб бошқа ҳаракатларни;

- фойдаланувчига ДҚҚ бозори бўйича биржа маълумотлари, шу жумладан РЕПО битимлари бўйича котировкалар, биржа янгиликлари ва таҳлиллари билан танишиш, онлайн режимда тренд графикларини кўриш, шунингдек, “PLAY MARKET\_Google” ва “APP Store”да жойлаштирилган “UZCE Mobile GB” мобил иловаси функционалидан келиб чиқиб бошқа операцияларни амалга ошириш имкониятларини тақдим этади.

**3.2.** “UZCE Mobile GB” мобил иловаси фойдаланувчига пуллик асосда тақдим этилиши мумкин бўлган хизматларни ўз ичига олиши мумкин. Фойдаланувчи томонидан ўз хоҳишига кўра, пуллик хизматларнинг тавсифи, уни тақдим этиш шартлари, фойдаланиш нархи ва бошқа маълумотлар кўрсатилган оферталар билан танишиб чиққанидан сўнг бундай хизматлар фаоллаштирилади.

**3.3.** Мазкур офертани акцептлаш орқали Трейдер/фойдаланувчи ЎзРВБга қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўз шахсий маълумотлари (шу жумладан, мобил телефон рақами, Ф.И.Ш., рўйхатга олиш маълумотлари, шунингдек “UZCE Mobile GB” мобил иловасида мавжуд функциялардан фойдаланиш учун зарур бўлган ҳар қандай бошқа шахсий маълумотлар)ни ушбу шартномани бажариш мақсадида қайта ишлашга, шу жумладан йиғиш, ёзиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлик киритиш (янгилаш, ўзгартириш), олиш, фойдаланиш, бериш (тарқатиш, тақдим этиш, очиқлаш), эгасизлантириш, блокировка қилиш, ўчириш, автоматлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда ёки бундай воситалардан фойдаланмасдан шахсий маълумотларни йўқ қилишга муддатсиз розилик беради. Ушбу билан

трейдер/фойдаланувчи мазкур шартнома бўйича ЎзРВБга тақдим этган шахсий маълумотларини мазкур Шартномани бажариш мақсадида учинчи шахсларга топширишга розилик беради.

#### **4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **4.1. ЎзРВБ қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

**4.1.1.** Бир томонлама тартибда ушбу Офертага ўзгартиришларни трейдер/фойдаланувчини хабардор қилган ҳолда, уларни “UZCE Mobile GB” мобиль иловаси интерфейсида, <https://www.uzrvb.uz> расмий веб-сайтида, ахборот хабарларида эълон қилиш орқали киритиш.

**4.1.2.** Трейдер/фойдаланувчининг розилигисиз мазкур Шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни уни бажариш мақсадида учинчи шахсларга бериш.

**4.1.3.** Трейдер/фойдаланувчига пуллик ёки бепул хизматлар кўрсатиш, улар тўғрисидаги ахборотлар расмий веб-сайт ва “UZCE Mobile GB” мобиль иловасида жойлаштирилади.

**4.1.4.** Техник, ҳуқуқий ва бошқа сабабларни бартараф этиш учун трейдернинг/фойдаланувчининг “UZCE Mobile GB” мобиль иловасидан фойдаланишини бир томонлама чеклаш.

**4.1.5.** “UZCE Mobile GB” мобиль иловасидан фойдаланиш бўйича статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш ва сақлаш, шунингдек, ЎзРВБ томонидан хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва таҳлил қилиш учун зарур бўлган тадқиқот, сўровномалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

**4.1.6.** ЎзРВБ Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ЎзРВБ ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

**4.1.7.** Трейдер/фойдаланувчи томонидан ушбу шартнома шартлари ва/ёки қонунчилик талаблари бузилган тақдирда ва/ёки бозорни манипуляция қилишда ва инсайдерлик маълумотлардан фойдаланишда гумон қилинганда, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда, ЎзРВБ бир томонлама, вазиятга аниқлик киритилгунга қадар, “UZCE Mobile GB” мобиль иловасидан фойдаланишни вақтинча блоклаш ёки трейдер/фойдаланувчининг ЎзРВБга маълум бўлган ҳар қандай манзилига тегишли хабарнома юбориш ва/ёки трейдер/фойдаланувчининг телефон рақамига SMS-хабар юбориш орқали шартномани исталган вақтда бекор қилиш ҳуқуқига эга.

##### **4.2. Трейдер/фойдаланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

**4.2.1.** Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ЎзРВБнинг ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда ушбу Офертага мувофиқ “UZCE Mobile GB” мобиль иловасига рухсат олиш ва унинг барча функцияларидан фойдаланиш.

**4.2.2.** “UZCE Mobile GB” мобиль иловасининг ишлаш ва фойдаланиш қоидалари бўйича маслаҳат, техник кўмак ва бошқа ёрдам олиш учун ЎзРВБга мурожаат қилиш.

##### **4.3. ЎзРВБ қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

**4.3.1.** Ушбу Оферта шартларини лозим даражада бажариш.

**4.3.2.** “UZCE Mobile GB” мобиль дастурининг узлуксиз ишлашини таъминлаш.

**4.3.3.** Трейдер/фойдаланувчининг шахсий маълумотлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ банк ва/ёки бошқа сирларни ифодаловчи маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш.

**4.3.4.** Трейдер/фойдаланувчига ўз корпоратив телефон алоқаси ва ЎзРВБда мавжуд бўлган бошқа алоқа воситалар орқали иш вақти давомида ахборот ёрдамини кўрсатиш.

**4.3.5.** “UZCE Mobile GB” мобиль иловасининг тегишли интерфейсларида ушбу битимга киритилган ўзгартиришлар ва/ёки бошқа муҳим воқеалар ва янгиликлар ҳақида хабарларни эълон қилиш.

#### **4.4. Трейдер/фойдаланувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

**4.4.1.** “UZCE Mobile GB” мобиль иловасидан фақат ахборот терминали сифатида ҳамда ЎзРВБ савдо тизимида ДҚҚ биржа савдоларида қатнашиш ва/ёки РЕПО битимларини амалга ошириш учун фойдаланиш ва ушбу Оферта шартларини лозим даражада бажариш, шунингдек, учинчи шахслар томонидан фойдаланилишига йўл қўймаслик.

**4.4.2.** Ҳисоб ёзуви бўйича маълумотларни, шу жумладан логин, пароль, шахсий кабинет, шахсий ва бошқа маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун барча чораларни кўриш.

**4.4.3.** Махфий ахборотларнинг ҳар қандай йўл билан ошкор этилиши ва ЎзРВБга барча етказилган зарар ва зиёнлар учун жавобгар бўлиш.

**4.4.4.** “UZCE Mobile GB” мобиль иловасининг тегишли интерфейсларида ЎзРВБ томонидан эълон қилинган “UZCE Mobile GB” мобил иловаси фойдаланувчилари учун хабарларни кузатиб бориш. Ушбу хабарлардаги талабларга риоя қилиш.

**4.4.5.** Ўз шахсий маълумотлари ва/ёки “UZCE Mobile GB” мобиль иловасига киришни таъминлайдиган бошқа реквизит ва маълумотларни учинчи шахсларга бермаслик.

**4.4.6.** “UZCE Mobile GB” мобиль иловаси орқали кириш учун реквизитларни учинчи шахслар томонидан ноқонуний фойдаланилгани тўғрисидаги фактлар ёки шубҳалар тўғрисида, шу жумладан, “UZCE Mobile GB” мобиль иловаси ўрнатилган телефон рақамидан фойдаланиш имконияти йўқолган (йўқолиш, ўғрилаш ёки йўқотишнинг бошқа усулларида) ҳолларда дарҳол ЎзРВБга хабар бериш.

### **5. МАХФИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҚОИДАЛАРИ**

**5.1.** “UZCE Mobile GB” мобиль иловасида рўйхатдан ўтишда трейдер/фойдаланувчининг шахсий маълумотларидан фойдаланилиши мумкин. Шахсий маълумотлар қаторига қуйидагилар киради: трейдер/фойдаланувчининг Ф.И.Ш., телефон рақами, электрон почта манзили, ишлатилаётган мобиль курилма ҳақидаги маълумотлар ва бошқалар.

**5.2.** Шахсий маълумотлар трейдер/фойдаланувчи томонидан иловадан фойдаланишда илованинг тегишли ойналарини тўлдиришда ёки “UZCE Mobile GB” мобил иловасини фаоллаштириш ва ундан фойдаланишда автоматик тарзда тақдим этилиши мумкин.

**5.3.** Трейдер/фойдаланувчининг шахсий маълумотларидан фойдаланишда ЎзРВБ махфийликни таъминлаш бўйича мазкур қоидалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига амал қилади.

**5.4.** ЎзРВБ трейдер/фойдаланувчидан олинган маълумотларни учинчи шахсларга ўтказмайди, мазкур Шартнома ва қонунчилиқ ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**5.5.** Трейдер/фойдаланувчи ва ЎзРВБ трейдер/фойдаланувчининг маълумотларига рухсатсиз киришдан, шунингдек нотўғри фойдаланишнинг бошқа шаклларида химоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

**5.6.** ЎзРВБ техник курилмалари томонидан рўйхатга олинган хизматларни кўрсатиш учун “UZCE Mobile GB” мобиль иловасидан фойдаланиш бўйича трейдер/фойдаланувчининг харакатлари тўғрисидаги ахборотдан трейдер/фойдаланувчи харакатларининг далили сифатида фойдаланилиши мумкин.

## **6. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ**

**6.1.** Томонлар ушбу Шартнома шартларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**6.2.** Трейдер “UZCE Mobile GB” мобиль иловасининг тегишли интерфейси орқали ДҚҚни сотиб олиш ва/ёки сотиш бўйича буюртмада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун шахсий жавобгарликни ўз зиммасига олади ва ДҚҚни сотиб олиш ва/ёки сотиш тўғрисидаги буюртмада нотўғри маълумотлар кўрсатилган ҳолларда, ушбу Оферта бўйича ЎзРВБ ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги сабабли ЎзРВБга нисбатан ҳеч қандай талаб қўйишга ҳақли эмас.

**6.3.** Трейдер/фойдаланувчи ўзининг шахсий маълумотларини ҳимояланмаган уланишлардан фойдаланиб ёки зарарли дастур ва иловалар таҳдиди остида бўлган курилмага киритишда уларни бут сақланиши учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

**6.4.** ЎзРВБ ушбу Оферта шартларининг лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди, агарда бундай бажариб бўлмаслик ҳолати трейдер/фойдаланувчи томонидан Оферта шартларининг бажарилмаганлиги оқибатида содир бўлган бўлса.

**6.5.** Трейдер/фойдаланувчи томонидан ушбу Оферта шартлари, шунингдек “UZCE Mobile GB” мобиль иловасида пуллик хизматларни фаоллаштириш жараёнида уларнинг офертаси билан танишмаганлиги ва/ёки ўз вақтида танишмаганлиги сабабли трейдер/фойдаланувчида вужудга келган ҳар қандай зарар учун ЎзРВБ жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

## **7. ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ**

**7.1.** Шартнома трейдер/фойдаланувчи томонидан ушбу Офертани қабул қилган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади ва номуайян муддат давомида амал қилади.

**7.2.** Трейдер/фойдаланувчи “UZCE Mobile GB” мобиль иловасидаги аккаунтни мустақил равишда ўчириб ташлаган пайдан бошлаб шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

## **8. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

**8.1.** Шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади ва шарҳланади.

**8.2.** Шартномадан келиб чиқадиган ёки у билан боғлиқ бўлган барча масалалар, келишмовчиликлар ёки талаблар тарафлар томонидан музокаралар йўли билан ҳал қилиниши лозим. Келишувга эришилмаган тақдирда шартнома бўйича низолар ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши шарт.

## **9. БОШҚА ШАРТЛАР**

**9.1.** Шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилмаган барча масалаларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ЎзРВБнинг ички меъёрий ҳужжатларига амал қилади.

**9.2.** Ушбу Офертанинг акцептланиши трейдер/фойдаланувчи томонидан Шартноманинг барча шартларини сўзсиз қабул қилганлигини тасдиқлайди ва уни бажариш мажбуриятини олади.

## **10. РЕКВИЗИТЛАР**

**“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ**

Юридик манзил: 100084, Тошкент ш., Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4-уй.

Телефон: 55-501-33-02

Электрон манзил (e-mail): [info@uzrvb.uz](mailto:info@uzrvb.uz)